

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИНИ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

Рахмонов Шерзод Шеркулович

Тошкент Молия институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6960794>

Аннотация. Мақолада пўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобининг ташкилий жиҳатлари, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида бевосита ва билвосита усуллари асосида тузилиш тартиби ва таҳлили ёритиб берилган.

Калим сўзлар: пул маблағлари, пул оқими, пул эквивалентлари, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағлари ликвидлилик коэффициентлари, пул маблағлари айланмаси даврийлиги.

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ КАССОВОГО УЧЕТА В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Аннотация. В статье описаны организационные аспекты учета денежных средств в хозяйствующих субъектах, порядок и анализ составления отчета о движении денежных средств прямым и косвенным методами на основе международных стандартов финансовой отчетности.

Ключевые слова: денежные средства, движение денежных средств, эквиваленты денежных средств, отчет о движении денежных средств, коэффициенты ликвидности денежных средств, периодичность движения денежных средств.

THE CURRENT STATE OF ORGANIZATION OF CASH ACCOUNTING IN ECONOMIC ENTITIES BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING

Abstract. The article describes the organizational aspects of accounting for cash in business entities, the procedure and analysis of compiling a cash flow statement by direct and indirect methods based on international financial reporting standards.

Keywords: cash, cash flow, cash equivalents, cash flow statement, cash liquidity ratios, cash flow frequency.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли Фармонига асосан, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси 2015 йилнинг 1 июлига қадар акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисботини ҳалқаро стандартларга мувофиқ нашр этиш белгиланганлиги сабабли, «Қувасой цемент» АЖда ҳам 2015 йилдан бошлаб, 1-сонли МХХС – “Молиявий ҳисбботнинг ҳалқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” номли стандартга асосан, молиявий ҳисбботларини трансформация қилиш жараёни йўлга қўйилган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Пул маблағлари тушунчаси бўйича бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар ўз фикрларини билдирганлар:

Рус олими В.В.Ковалёвнинг таъкидлашича "Пул маблағлари - пул (нақд ёки нақд пулсиз) муомалада бўлган корхонанинг маблағлари йиғиндиси"дир.

Ю.Бригхем фикрига кўра, "пул оқими" тушунчаси маълум бир давр мобайнида корхонага келиб тушадиган соф пул маблағлари" ҳисобланади.

Иқтисодчи олим И.А.Бланк пул оқимини фақат инвестиция фаолияти нуқтаи назаридан кўриб чиқади: "пул оқими (**cash-flow**) инвесторга қайтариладиган пул шаклида инвестицияларнинг таъсирини тавсифловчи асосий кўрсаткич сифатида ўрганган. Инвестиция бўйича пул оқимининг асосини моддий ва номоддий активлар амортизацияси суммаси ва фойда ташкил этади".

Хорижлик иқтисодчи олимлардан Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Колдуэлл фикрича, "Пул – жорий молиявий манбаларда тижорат фаолияти ҳисобининг асосий ўлчов бирлиги ҳисобланади" деб тавсифланади.

Б.Нидлз таъкидлашича, "Пул маблағлари деганда корхона кассасидаги ва банкдаги ҳисоб-китоб рақамида бўлган пуллар, шунингдек, пул эквивалентлари тушунилади" дейилган.

А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З.Авлоқуловлар «Пул маблағлари барча ҳисоб-китобларда воситачи бўлгани сабабли, табиийки, республика халқ хўжалигига маблағларнинг бир маромдаги доираний айланишини, бозор иқтисодиёти соҳаасида фаолият юритишни таъминлаш учун барча ўзаро тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар тўғри ва ўз вақтида бажарилиши лозим. Ўз навбатида пул маблағлари, тўлов, ҳисоб-китоб ва кредит муомалаларини ўз вақтида ҳамда самарали амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатади» деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 9-сон БҲМС «Пул оқими тўғрисидаги ҳисботот» деб номланади. Ушбу стандартнинг 5-бандига асосан, **Пул маблағлари** — кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларида маблағлар, деб таъриф берилган. **Пул эквивалентлари** — маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли унча кўп бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қўйилмалар) деб изоҳланади.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ, 7-сонли БҲҲСнинг 6-бандида пул маблағларига қўйидагича таъриф берилган: "Пул маблағлари нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитларни ўз ичига олади". Пул маблағларининг эквиваленти эса "қисқа муддатли, белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жиҳатидан аҳамиятсиз даражадаги рискка эга бўлган юқори ликвидли инвестициялар" деб таърифланган.

Шунингдек, пул маблағлари таҳлили бўйича Н.Ф.Ишонқулов ўзининг илмий ишида қишлоқ хўжалик корхонларида пул маблағлари оқимларини бошқариш, пул оқимлари ҳисоби ва ҳисботини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида такомиллаштириш, пул оқимларини таҳлили ва уни такомиллаштириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтган.

Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, статистик, иқтисодий таҳлил, иқтисодий-математик таҳлил, дисконтлаш каби усуллардан

фойдаланилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритилишини таъминлаш учун, 8-сонли БХХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар” номли стандартга мувофиқ, “Ҳисоб сиёсати” ишлаб чиқилади ва пул маблағлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш учун қуидаги жиҳатлар батафсил очиб берилиши лозим.

I. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари:

- ҳисоб тамойиллари;
- активларни тан олиш;
- пул маблағлари ва унинг эквивалентларининг тавсифи;
- маълумотларни ёритиб бериши.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлар асосида акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш миллий стандартда тузилган йиллик молиявий ҳисботларни трансформация қилиш усули орқали амалга оширилади. Лекин халқаро стандартлар асосида параллел равишда ҳисботни юритиш акциядорлик жамиятлари учун йирик ҳаражат ва малакали кадрларни талаб этади. Шу сабабли, акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш юқори самара беради.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида пул маблағлари ҳисобини трансформация қилишда қуидаги стандартлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- 1-сонли БХХС –“Молиявий ҳисботни тақдим этиш”;
- 7-сонли БХХС –“Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот”;
- 8-сонли БХХС –“Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар”
- 21-сонли БХХС –“Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсиrlари”;
- 29-сонли БХХС –“Гиперинфляцияли иқтисодиётда молиявий ҳисбот”;
- 1-сонли МХХС –“Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”.

Асосан, молиявий ҳисботларини миллий стандартдан халқаро стандартларга трансформация қилишда беш йиллик даврни, яъни 2016 -2020 йилларни қамраб олади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисботни халқаро стандартлар асосида тузишда, биринчи навбатда “Фойда ва заарлар ҳамда жами даромад тўғрисидаги ҳисбот”, иккинчи навбатда “Капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисбот”, учинчи навбатда “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот” шакллари тузилгандан сўнг амалга оширилади.

Юқоридаги шаклларнинг асосийси ҳисобланган, “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот” шаклида пул маблағлари суммаси алоҳида кўрсатилади ва унинг шакли йиллар бўйича 1-жадвалда келтирилган.

«Кувасойцемент» АЖнинг асосий ҳисоб рақами «Капиталбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиалида фаолият юритади. Жорий ҳисобварақ бўйича барча операциялар ҳисобварақ эгасининг розилиги билан белгиланган шаклдаги тўлов (банк) ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Буларга қуидагилар киради: чеклар, пул маблағларини топшириш тўғрисидаги эълонлар, тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари. 2020 йил 31 декабр ҳолатига жорий ҳисобварақда 4 038 минг сўм

сўм пул қолдиғи мавжуд.

1-жадвал

«Қувасой цемент» АЖнинг 2016-2020 йилларда “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот”да пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари бўйича кўрсаткичлар динамикаси (минг сўмда)

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йил 2016 йилга нисбатан фарқи
Ҳисоб-китоб счётидаги пул	754	829	912	1003	4038	3284
Бошқа пул	-	-	-	-	-	-
Жами маблағлари ва уларнинг	754	829	912	1003	4038	3284

Бизнинг фикримизча, амалдаги счёtlар режасида пул маблағлари ҳисобини акс эттиришга мўлжалланган счёtlарни очиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши учун акциядорлик жамиятларида қўйидаги 2500 “Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари ҳисоби” синтетик счёtinи очиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2-жадвал):

2-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасига киритилиши таклиф этилаётган ишчи счёtlар

Коди	Счёtnинг номи
2510	Миллий валютадаги пул маблағлари
2511	Хорижий валютадаги пул маблағлари
2520	Банк ҳисобварағидаги пул маблағлари
2530	Йўлдаги пул маблағлари
2540	Фойдаланишдаги чекланган пул маблағлари
2550	Электрон пул маблағлари ҳисоби
2560	Бошқа пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари

Ушбу счёtlарнинг кўлланилиши пул маблағларини ҳисобга олишда “Қувасой цемент” АЖнинг халқаро стандартлар асосида тузиладиган ҳисоб сиёсатининг ишчи счёtlар режаси асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларидағи фикр ва мулоҳазалар асосида «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот»нинг бевосита усулда қўйидаги шаклда акс эттиришни таклиф этамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот (бевосита усул)

Операцион фаолият бўйича пул оқимлари	
----------------------------------------------	--

Харидорлардан пул тушумлари	XXX
Мол етказиб берувчилар ва ходимларга тўланган пул маблағлари	(XXX)
Операцион фаолият бўйича пул маблағлари	XXX
Тўланган фоизлар	(XXX)
Тўланган солиқлар	(XXX)
Операцион фаолият бўйича соф пул маблағлари	XXX
Инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари	
Асосий воситаларни харид қилиш	(XXX)
Асосий воситаларни сотишдан тушган тушум	XXX
Олинган инвестицион даромадлар	XXX
Давлат субсидияларининг олиниши	XXX
Номоддий активларни харид қилиш	(XXX)
Инвестицион фаолият бўйича соф пул маблағлари	(XXX)
Молиявий фаолият бўйича пул оқимлари	
Акциялар эмиссиясидан тушумлар	XXX
Узоқ муддатли қарзларни сўндириш	(XXX)
Узоқ муддатли қарзлар бўйича киримлар	XXX
Тўланган дивидендлар	(XXX)
Ижара бўйича мажбуриятларнинг сўндирилиши	(XXX)
Молиявий фаолият бўйича соф пул маблағлари	XXX
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг соф ўзгариши	XXX
Ҳисобот даври бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	XXX
Ҳисобот даври охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	XXX

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг билвосита усули эса бевосита усулдан фақат операцион фаолияти бир-биридан батафсил фарқ қиласи ва унинг шаклини қуидаги жадвалда келтириб ўтамиш:

4-жадвал**Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (билвосита усул)**

Кўрсаткичлар	Коди
Операцион фаолият бўйича пул оқимлари	
Солиқ тўлагунга қадар фойда	
Тузатишлар:	
Эскириш	
Номоддий активлар эскириши	
Давлат субсидияларининг эскириши	
Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган заарлар	
Ҳисобланган инвестицион даромад	
Ҳисобланган молиявий харажатлар	
Захираларнинг кўпайиши ёки камайиши	
Дебитор қарздорликнинг камайиши	
Кредитор қарздорликнинг ўсиши	
Шартномавий активларнинг ўсиши	

Операцион фаолият бўйича пул маблағлари	
Тўланган фоизлар	
Тўланган солиқлар	
Операцион фаолият бўйича соф пул маблағлари	

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг билвосита усулининг инвестицион ва молиявий фаолиятлари бевосита усул билан бир хил бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришда пул маблағлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари таҳлилини такомиллаштириш жиҳатлари очиб берилган.

МУҲОКАМА

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳалар сингари иқтисодий соҳасининг назарий жиҳатини ҳам ҳалқаро стандартлар даражасига олиб чиқилмоқда. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар даражасига етказиш учун, биринчи навбатда, молия-хўжалик фаолиятининг счетлар режаси такомиллаштириб борилди, ҳамда 2002 йил 1 январдан халқаро талаблар даражасидаги янги счёtlар режаси кучга киритилди. Шу билан бирга мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобида бир қатор янги молиявий ҳисбот шакллари амал қила бошлади. Булардан бири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли бўйруғи билан тасдиқланган "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот" шаклидир. Ушбу ҳисбот корхонанинг операцион, инвестицион ва молиявий фаолияти бўйича пул маблағларининг маълум бир ҳисбот даврига бўлган ҳолатини ҳамда ушбу даврда пул маблағларининг ўзгаришини тушунириб бера олиши керак. Лекин аксарият корхоналарда пул оқимларини доимий назорат қилиб бориш ва бу назорат иқтисодий таҳлилнинг замонавий илғор усуллари ёрдамида амалга оширилиши йўлга қўйилмаган, натижада корхона йил якунида қанча соф фойдага эришганини билади, лекин шу соф фойда таркибида қанчаси хали ундирилмаган, корхонани дебиторлик қарзлари, қанчаси кредиторлик қарзлари, яна қанчаси жорий даврда қилинмаган лекин фойдадан чегирилган амортизация ва бошқа харажатлар эканлигини ва натижада фирманинг соф пул маблағи қанча эканлигини аниқлашда қийинчиликларга дуч келинмоқда. Таклиф сифатида айтишимиз мумкинки, «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида»ги ҳисбот шаклини бошқа ҳисбот шакли маълумотлари билан узвий боғлиқликда тайёрлаш ва тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар, фойдаланувчилар томонидан жамиятнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилияти ҳамда жамиятнинг ушбу пул оқимларидан фойдаланиш эҳтиёжи баҳоланиши учун асос яратадилар. БХҲС 7 пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларини тақдим этиш ва очиб бериш учун талабларни белгилайди.

Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисбот, бошқа молиявий ҳисботлар билан биргаликда фойдаланилганда, фойдаланувчиларга жамиятнинг соф активларидағи ўзгаришларни, уларнинг молиявий структураси (ликвидлиги ва тўлов қобилияти)ни ва ўзгараётган имкониятлар ва шароитларга мослашиш мақсадида ўзининг пул оқимлари суммаси ва муддатларига таъсир қўрсата олиш қобилиятини баҳолаш учун маълумот

билин таъминлайди. Пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар жамиятнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини келтириб чиқариш имкониятларини баҳолашда фойдалидир ҳамда фойдаланувчиларга ҳар хил хўжалик юритувчи субъектларга тегишли келгуси пул оқимларининг келтирилган (дисконтланган) қийматини баҳолаш ва солиштириш моделларини ишлаб чиқиш имконини беради. У, шунингдек, турли хил хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолияти кўрсаткичлари ҳақидаги ҳисоботларининг қиёсланувчанлигини оширади, чунки у бир хил операция ва ҳодисаларнинг турлича ҳисобга олиниши оқибатларини бартараф қиласди.

Халқаро тажрибада «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли 2 хил усулда (бевосита ва билвосита) тайёрланиб, ҳар иккала усулда тайёрланган ҳисобот шакли маълумотлари асосан “Фойда ва заарлар ҳамда жами даромад тўғрисида”ги ҳисобот ва “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги ҳисобот шаклларидан фойдаланиб тузилади. Бу эса биринчидан, корхонада ҳисоб тизимини анча осонлаштиради; иккинчидан, ҳисобот маълумотлари ўртасида фарқларни бартараф этиб, улар бўйича ўзаро мантиқий боғлиқликни вужудга келтиради; учинчидан, «Пул маблағлари ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот шакли халқаро стандартлар талабига тўла жавоб бера олади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, “Қувасой цемент” АЖнинг пул маблағлари тўғрисидаги ҳисоботнинг бевосита усулда тузилишини йиллар кесими бўйича 5-жадвалда батафсил шаклини келтириб ўтамиз.

5-жадвал

**“Қувасой цемент” акциядорлик жамиятининг 2016-2020 йиллар бўйича МХХС
асосида “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” шаклининг
кўрсаткичлари**

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йил 2016 йил билин фарқланиши
Операцион фаолият бўйича пул маблағлари оқими						
товарларни сотиш, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан тушум	1310150	1441165	1585282	1902338	625 058	(685 092)
операцион фаолият бўйича бошқа тушумлар	(34632)	(38095)	(41905)	(46094)	(117982)	(83 350)
товар, иш, хизматларни етказиб берувчиларга тўловлар	710740	781815	859996	(945996)	(330039)	(1 040 779)
ишчи ходимларга тўловлар	(129482)	(142431)	(156674)	(172341)	(33183)	162 665
тўланган (қопланган)	(18808)	(20689)	(22758)	(25034)	(38664)	(19 856)

фойда солиги						
тўланган бошқа солиқлар					(92904)	(92 904)
Операцион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	535592	589151	648066	712873	12286	(523 306)
Инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари						
асосий воситаларни сотишдан тушум						
асосий воситаларни сотиб олиш бўйича тўловлар	(5131)	(5645)	(6209)	(6830)	(9902)	(4 771)
Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари						
Инвестицион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	530461	583507	641857	706043	2384	(528 077)
Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари оқимлари						
кредит ва қарзлар кўринишидаги тушумлар						
кредит ва қарзларни қайтариш						
тўланган (олинган) дивиденdlар	(35705)	(39275)	(43203)	(47523)	(8554)	27 151
тўланган (олинган) фоизлар	(7770)	(8547)	(9402)	(10342)	3135	10 905
тўланган (қопланган) фойда солиги						
Молиявий фаолият бўйича бошқа пул маблағлари оқими						
Молиявий фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими	(43475)	(47822)	(52605)	(57865)	(5419)	38 056
Жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ўсиши (камайиши)	126	139	153	2357	(3035)	(3161)

Давр бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиги	1263	1389	1528	1681	4 038	2 775
Давр охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиги	1389	1528	1681	4038	1 003	(386)

2019 йилда жамиятни пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисботининг операцион фаолият бўйича пул маблағлари моддасида 1 902 338,0 минг сўм кирим, 1 189 466,0 минг сўм чиқим бўлган. Операцион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими (кирим) 712 873,0 минг сўмни ташкил этган.

2020 йилда жамиятни пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисботининг операцион фаолият бўйича пул маблағлари моддасида 591 875,0 минг сўм кирим, 579 589,0 минг сўм чиқим бўлган. Операцион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими (кирим) 12 286,0 минг сўмни ташкил этган.

2019 йилда жамиятнинг инвестицион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими (чиқим) 706 043,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу сумма асосий воситаларни сотиб олиш бўйича тўланган пул маблағлари ҳисобланади.

2020 йилда жамиятнинг инвестицион фаолият бўйича жами пул маблағлари оқими (чиқим) 2 384,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу сумма асосий воситаларни сотиб олиш бўйича тўланган пул маблағлари ҳисобланади.

2019 йилда жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича жами пул маблағлари оқими (чиқим) 57 865,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу сумма тўланган дивиденdlар 47 523,0 минг сўм, фоизларни тўлаш учун 10 342,0 минг сўм пул маблағлари ҳисобланади.

2020 йилда жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича жами пул маблағлари оқими (чиқим) 5 419,0 минг сўмни ташкил этади. Ушбу сумма тўланган дивиденdlар 8 554,0 минг сўм, олинган фоизлар 3 135,0 минг сўм пул маблағлари ҳисобланади.

2019 йилда жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ўсиши 2 357,0 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса жами пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг камайиши 3 035,0 минг сўмни ташкил этган. 2019 йил давр бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиги 4 038,0 минг сўмни, 2020 йил давр охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг қолдиги 1 003,0 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридаги молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида, тузилган “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот” маълумотлари бўйича, “Кувасой цемент” акциядорлик жамиятининг тўловуга лаёқатлигини акс эттирувчи ликвидлилик кўрсаткичлари б-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

“Кувасой цемент” акциядорлик жамиятининг 2016-2020 йиллар бўйича МХХС асосида пул маблағларининг ликвидлилик коэффициентлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Формулалар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йил 2016 йил билин фарқл аниши
Жорий ликвидлилик коэффициенти	Қисқа муддатли активлар/Қисқа муддатли мажбуриятлар	4,6	5,0	5,5	6,1	12,9	+8,3
Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	Қисқа муддатли активлар- Захиралар/Қисқ а муддатли мажбуриятлар	2,4	2,7	3,0	3,3	9,6	+7,2
Абсолют (оний) ликвидлилик коэффициенти	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари /Қисқа муддатли мажбуриятлар	0,15	0,16	0,18	0,2	0,06	-0,09

Юқоридаги таҳлиллар асосида, “Кувасой цемент” акциядорлик жамиятининг пул маблағлари айланмаси даврийлигини аниқлаш учун, захираларнинг айланувчанлиги даври(кунлар), дебиторлик қарздорликнинг айланувчанлиги (кунлар), кредиторлик қарздорликнинг айланувчанлиги (кунлар)да орқали амалга оширилади ва унинг таҳлилини йиллар бўйича 7-жадвалда келтириб ўтамиш.

7-жадвал

“Кувасой цемент” Формулалар акциядорлик жамиятининг 2016-2020 йиллар бўйича МХХС асосида пул маблағлари айланмаси даврийлиги Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йил 2016 йил билин фарқлани ши
Захираларнинг айланувчанлиги (кунлар) (1)	ЗА	48	53	58	4	74 +26
Дебиторлик қарздорликнинг	ДК	23	25	28	1	34 +11

айланувчанлиги (кунлар) (2)							
Кредиторлик қарздорликнинг айланувчанлиги (кунлар) (3)	КК	9	10	11	2	13	+4
Пул маблағлари айланмаси цикли (1+2-3)	ПМА=ЗА+ДҚ- КК	62	68	75	3	95	+33

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкини, пул маблағлари айланмаси даврийлиги йилдан-йилга ошганлигини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуидаги хуласаларга келинди:

1. Хорижий ва миллий иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазалари умумлаштирилган ҳолда “пул маблағлари” тушунчасига муаллиф томонидан такомиллашган таъриф берилди: “Пул маблағлари - мажбуриятларни зудлик билан тўлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча турдаги маблағларни ўз ичига олади. Пул маблағлари молиявий муассасалардаги жорий ҳисобвараклардаги қолдиқлар, нақд купюралар, тангалар, валюталар, кичик кассанинг нақд пуллари ва молиявий муассасалар томонидан муддатли депозитлар ва муомаладан чиқариш учун қабул қилинган, корхона кассасидаги конкрет ўтказиб бериладиган пул хужжатларидир. Бу ўтказиладиган пул хужжатларига оддий чеклар, касса ордерлари, мижозлар чеклари, пул ўтказмалари ва бошқа ҳисоб-китоб воситалари киради”. Баланснинг “Пул маблағлари” моддасидаги қолдиқ пул ҳисобваракларига кирадиган барча турдаги маблағларни акс эттиради.

2. Корхоналарда пул маблағларининг ҳисоб-китобини тўғри ташкил этиш билан бир қаторда, уни тўғри ва оқилона бошқариш ҳам мухим ҳисобланади. Чунки корхонада пул маблағларининг ҳаракати бир текис давом этмаслиги корхонанинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжлари таъминотига ва уларни оқилона бошқаришга ўз таъсирини ўтказади. Бундай шароитда корхоналарда пул маблағларини бошқаришнинг янги усулларини ишлаб чиқишини талаб этади. Бизнингча, бу усулларни яратиш қуидаги уч мақсадга эришиш имкониятини беради:

- нақд пуллар тушумининг тезлигини ошириш;
- ўтган даврдаги мажбуриятлар бўйича тўловни амалга ошириш зарурлиги ва унинг тўлов муддати (вакти)ни қисқартириш;
- кирим қилинган нақд пул маблағларидан самарали тартибда максимал фойдаланиш.

3. Корхона ҳисоб сиёсатининг ишчи счетлар режаси учун 2500-счёт “Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари” синтетик ҳамда субсчётлар сифатида 2510-“Миллий валютадаги пул маблағлари”, 2511-Хорижий валютадаги пул маблағлари, 2520-“Банк ҳисобваракидаги пул маблағлари”, 2530-Йўлдаги пул маблағлари” 2540-“Фойдаланишдаги чекланган пул маблағлари”, 2550-“Электрон пул маблағлари ҳисоби”,

2560-“Бошқа пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари” счёти бўйича қўшимча счётлари ишлаб чиқилган.

4. Молиявий ҳисобот маълумотларининг бир-бiri билан боғлиқлиги аниқ ифодаланишини таъминлаш мақсадида “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот”, “Фойда ва заарлар ҳамда жами даромад тўғрисидаги ҳисобот”ларда маълумотларни ўтган ҳисобот давридаги кўрсаткичлар маълумотлари билан таҳлил қилиш имконияти мавжуд бўлганини инобатга олган ҳолда “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” маълумотларини ҳам икки ҳисобот даврини ўз ичига оладиган ҳолатда ифодалаш тавсия этилган.

5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот”нинг бевосита ва билвосита усулларда тузиш тартиби ишлаб чиқилган.

6. Пул муомаласини фаолият турлари бўйича қайта таркиблаш масаласи ҳал этилди. Ушбу таркиблаш халқаро ҳисоб стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларининг талабларидан келиб чиқкан ҳолда белгиланди. Унга кўра пул муомаласини қўйидагича таркибланиши белгиланган:

- операцион фаолиятдан пул маблағлари оқими;
- молиявий фаолиятдан пул маблағлари оқими;
- инвестицион фаолиятдан пул маблағлари оқими.

Амалдаги тартиб бўйича инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат қўрсатишдан пул маблағлари оқими ҳамда солиқланишдан пул маблағларининг оқимини алоҳида таркибланиши ноўрин деб топилди ва уларга тегишли қаторлар мазмун бўйича қайта таркибланди.

7. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли ишлаб чиқилди. Мазкур шакл иккита усулдан ташкил топган: биринчи усул «бевосита», иккинчи усул эса «бильвосита» деб аташ таклиф этилди. Уларнинг ҳар бирини таркиби янгидан ишлаб чиқилди. Хорижий инвесторларнинг молиявий ҳисоботлардан тўғридан-тўғри қизиқишини ортишида муҳим роль ўйнайди, бу эса жамиятнинг молиявий ҳолатини белгилашда пул маблағларининг кирими ва чиқимини аниқлашга хизмат қиласди.

8. Хўжалик юритувчи субъектларнинг МХХС асосида молиявий ҳисоботларини таҳлил қилишда “Пул маблағлари а йланмаси цикли”ни, яъни захираларнинг айланиш коэффициенти, дебиторлик қарздорликларининг айланиш коэффициенти ва кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициентини аниқлаш лозим. Бу эса, жамиятнинг жорий активлар қисмida пул маблағлари билан қанчалик кўп таъминланганлигини белгилаб беради.

Тадқиқотда келтирилган илмий натижаларни амалиётга кенг татбиқ этиш хўжалик юритувчи субъектларда халқаро стандартлар асосида пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

REFERENCES

1. 7-сон БХХС. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.
https://www.mf.uz/media/file_uz/audit/2022/msfo/Uzb_GVT_BB2022_A_IAS07.pdf
2. https://www.mf.uz/uz/?option=com_content&view=article&id=970-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти

3. Бланк И.А. Управление финансовой безопасностью предприятия / И. А. Бланк. — Киев : Ника-Центр, 2009.
4. Бригхем Ю, Гапенски Л Финансовый менеджмент Полный курс В 2-х т. / Пер. с англ. под ред. В.В. Ковалева. СПб Экономическая школа, 1997 +497с.
5. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. Пер. С анг Под. Ред. Проф. Я. В. Соколова - 2Е изд., стреотип - М.:«Финансы и статистика», 1997 г.
6. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З.Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: «Шарқ» НМАК, 2004. - 592 б.
7. Ковалев В. В. (ред.) - Финансы (3-е изд., перераб. и доп.) Издательство: "Проспект" ISBN: 978-5-392-18570-2 2016. 928 с.
8. Пул оқими тўғрисидаги ҳисбот Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 9-сон БХМС. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Стандарти 04.11.1998 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 519, кучга кириш санаси 04.11.1998
9. “Қувасой цемент” АЖнинг 2016-2020 йиллардаги молиявий ҳиссбот маълумотлари.
10. Egamberdievich, O. K., Abrorovich, Y. S., Abduvositovich, Y. A., & Qizi, Y. S. A. (2022). Determination of Microparameters of Halcogenide Thin Movies. Journal of Optoelectronics Laser, 41(5), 523-530.
11. Egamberdievich, O. K., Abrorovich, Y. S., & Abduvositovich, Y. A. (2022). PHOTOMAGNETIC CONVERTER. Galaxy International Interdisciplinary Research
12. Onarkulov, M., Nasriddinov, S., Yuldashev, S., & Yunusaliev, L. (2020). TECHNOLOGICAL FEATURES OF OBTAINING STRENGTH SENSITIVE POLYCRYSTALLINE FILMS Bi₂-XSbXTe₃. Euroasian Journal of Semiconductors Science and Engineering, 2(3), 27.
13. Кадыров, К. С., Онаркулов, К. Э., Онаркулов, М. К., & Юлдашев, Ш. А. (2020). ЭЛЕКТРОННО-МИКРОСКОПИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ПЛЕНОК НА ОСНОВЕ BI-SB-TE. In Экономическое развитие России: тенденции, перспективы (pp. 72-76).
14. Шамирзаев, С. Х., Онаркулов, К. Э., Юсупова, Д. А., & Мухамедиев, Э. Д. (2006). Простые модели усталостной повреждаемости гетерогенных материалов с очень сложной динамикой. Фізична інженерія поверхні, (4, № 1-2), 91-96.
15. Онаркулов, К. Э. (1998). Исследование влияния внешних воздействий на кинетические процессы в активных элементах пленочных ИК-детекторов на основе солей свинца.
16. Игамбердиев, Х. Т., Онаркулов, К. Э., Расулов, Р. Т., & Юсупова, Д. А. Предлагается новая конструкция полупроводникового датчика давления на основе тензочувствительных пленок теллурида висмута-сурьмы, позволяющая обеспечить термокомпенсацию всей приборной структуры. Приводятся технические характеристики предлагаемого тензометрического датчика для измерения давлений жидкостей и газов.